

INDEKS 1072



EZGU FIKR, EZGU SO'Z, EZGU AMAL!

YANGI YILINGIZ QUTLUG'
BO'LSIN, AZIZLAR!

ILM SARCHASHMALARI

URGANCH DAVLAT UNIVERSITETINING
ILMIY-NAZARIY, METODIK JURNALI

ISSN 2010-6246



9 772010 624002

2021-12



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS
TA‘LIM VAZIRLIGI**

URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI

ILM SARCHASHMALARI

Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasining FILOLOGIYA, FALSAFA, FIZIKA-MATEMATIKA hamda PEDAGOGIKA fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrdir.

12.2021

**научно-теоретический методический журнал
Издаётся с 2001 года**

Urganch – 2021

Bosh muharrir dotsent **Ro‘zimboy YO‘LDOSHEV**

	TAHRIR HAY‘ATI:
<p align="center">JURNAL 2001-YILDAN CHIQA BOSHLAGAN</p>	<p>ABDULLAYEV Bahrom, fizika-matematika fanlari doktori, ABDULLAYEV Ikrom, biologiya fanlari doktori, professor, ABDULLAYEV Ilyos, iqtisod fanlari doktori, ABDULLAYEV Ravshanbek, tibbiyot fanlari doktori, professor, ABDULLAYEV O‘tkir, tarix fanlari doktori, ANNAMURATOVA Svetlana, pedagogika fanlari doktori, professor, BERDIMUROTOVA Alima, falsafa fanlari doktori, professor, DAVLETOV Sanjarbek, tarix fanlari doktori, DO‘SCHONOV Tangribegan, iqtisod fanlari doktori, professor, ERMETOVA Jamila, filologiya fanlari nomzodi, dotsent, HAJIYEVA Maqsuda, falsafa fanlari doktori, IBRAGIMOV Zafar, fizika-matematika fanlari nomzodi, IMOMQULOV Sevdiyor, fizika-matematika fanlari doktori, JUMANIYAZOV Maqsud, texnika fanlari doktori, professor, JUMANIYOZOV Otaboy, filologiya fanlari nomzodi, professor, KALANDAROV Aybek, filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (mas‘ul kotib), NAVRUZOV Qurolboy, fizika-matematika fanlari doktori, professor, OLLAMOV Yarash, yuriduk fanlari nomzodi, dotsent, OTAMURODOV Sa‘dulla, falsafa fanlari doktori, professor, PRIMOV Azamat, filologiya fanlari nomzodi, dotsent, QUTLIYEV Uchqun, fizika-matematika fanlari doktori, professor, RO‘ZIYEV Erkinboy, pedagogika fanlari doktori, professor, SADULLAYEV Azimboy, fizika-matematika fanlari doktori, akademik, SADULLAYEVA Nilufar Azimovna, filologiya fanlari doktori, SAGDULLAYEV Anatoliy, tarix fanlari doktori, professor, SALAYEV San‘atbek, iqtisod fanlari doktori, professor, SALAYEVA Muxabbat Soburovna, pedagogika fanlari doktori, SATIPOV G‘oipnazar, qishloq xo‘jalik fanlari doktori, professor, XODJANIYOZOV Sardor, pedagogika fanlari nomzodi, dotsent (bosh muharrir o‘rinbosari), YOQUBOV Jamoliddin, filologiya fanlari doktori, professor, O‘ROZBOYEV Abdulla, filologiya fanlari doktori, O‘ROZBOYEV G‘ayrat, fizika-matematika fanlari doktori, G‘AYIPOV Dilshod, filologiya fanlari nomzodi, dotsent.</p>
<p align="center">JURNAL OYDA BIR MARTA NASHR QILINADI</p>	
<p align="center">2021 12(174)</p>	

MUASSIS: Urganch davlat universiteti. Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligida 2020-yil 11-noyabrda ro‘yxatdan o‘tgan. **GUVOHNOMA № 1131.**

MUNDARIJA

MATEMATIKA

Кудубаева Сауле Альжановна, Муслимова Агима Зайнагатдиновна, Нургалиева Сандугаш Нуржановна, Кузенбаев Батырхан Аманжолович. Python для обучения вводу программированию: количественная оценка и ее прогнозирование.....	3
Palvanov Bozorboy Yusupovich, Jafarov San'at Komilovich. Ichimlik suvlarini tozalash texnologik jaryonlarining matematik modeli va sonli hisoblash algoritmi.....	8
Балтаева Умида, Сейтмурадова Гўзал. Задача коши для парабола-гиперболического уравнения с оператором интегро-дифференцирования дробного порядка.....	13
Курбанбаев Сукротбек Ихтиер угли. m – полярные множества на аналитических множествах.....	17
Нарзиллаев Нурбек Хамрокулович. $m\mathcal{W}$ – полярные и $\mathcal{L}_{m\mathcal{W}}$ – полярные множества в \mathbb{C}^n	19

HUQUQSHUNOSLIK

Одинаев Адхам Саъдуллоевич. Мажбурият ҳуқуқида неустойканинг мақсади, функциялари ва принциплари.....	24
---	----

FALSAFA

Қаххарова Матлюба. Оила муҳитида шахс ҳуқ-атворининг ижтимоий назорати муаммоси.....	28
Хажиева Максуда Султановна. Xalqaro mehnat taqsimoti va insoniyat ehtiyojlarining o'sib borishi.....	32
Матчанова Барно. Ўзбекистонда янги мафкуравий муаммолар ва уларнинг хусусиятлари.....	35
Bobomurodov Erkin Haitovich, Jovliyev Jo'rabek Alisher o'g'li. Yoshlar ma'naviyatini shakllantirishda tarixiy xotiraning o'rni.....	38

TILSHUNOSLIK

Бобокалонов Одилшоҳ. Шифобахш ўсимликлар терминологиясининг ўрганилиши ва илмий-назарий асослари.....	41
Исломов Дилшод Шомуродвич. Француз тили фонетикасининг ўзига хос жиҳатлари.....	44
Каримова Дилором Шавкат қизи. Замонавий тилшуносликда “ўлим” концептининг лингвистик хусусиятлари.....	48

ADABIYOTSHUNOSLIK

Jumaev Elmurod Bekpulatovich. Ijodkor falsafiy konsepsiyasi va roman.....	51
Давлатова Адиба Рахматовна. Лирик қаҳрамон образининг поэтик тақомили.....	54
Mamarajabov Dilshod Doniyorovich. Badiiy asar strukturasi va ifodalash usullari.....	58
Норов Отажон. Исломий шеърларда макон ва замон талқини.....	61
Ro'zieva Dilfuza Salimboevna. Ingliz va o'zbek romanchiligida xronotop mushtarakligi.....	63
Mansurova Nodira Bobojonovna. Magik realizmning yondash adabiy hodisalarga munosabati.....	66

JURNALISTIKA

Юсупова Камола. Рекламанинг бош мақсади бўлган ишонтириш ва ундашнинг таъсирли бўлишида ишонтириш ва бадий воситаларнинг аҳамияти.....	69
--	----

PEDAGOGIKA

Ильясова Зухра Кенесбаевна. Кредит-модуль тизими асосида информатиканинг назарий асослари фанини ўқитишнинг хусусиятлари.....	73
Умарова Умида Умаровна. Moodle масофавий таълим тизимида “маъруза” элементини яратиш.....	76
Очилова Вазираҳон Рустамовна. Метакогнитив стратегиянинг ўқув стратегиядаги ўрни.....	80
Авазов Жўрабек Донаевич. Бўлажак муҳандисларнинг касбий компетентлигини такомиллаштиришнинг таснифий шакллари.....	83
Zaynobbiddinov Dilshodbek Qobilovich. Talabalar mulqotini rivojlantirishning pedagogik mexanizmi.....	88

Исломов Дилшод Шомуродович (БухДУ таянч докторанти)
ФРАНЦУЗ ТИЛИ ФОНЕТИКАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

Аннотация. Мазкур мақолада энг асосий мулоқот жараёни тил ва дунё тиллари ҳақида сўз боради. Шунингдек, дунёда энг ривожланган тиллардан бири француз тили фонетикасининг ўзига хос хусусиятлари, француз тилидаги унли ва ундош ҳарфлар, унли ва ундош товушлар ҳақида фикр юритилади.

Аннотация. В статье речь идёт о процессе языкового общения и языках мира. Также говорится о фонетических особенностях одного из самых распространённых языков-французского, о гласных и согласных буквах и звуках этого языка.

Annotation. This article discusses the most important communication process of language and world languages. It also deals with the peculiarities of French phonetics, one of the most developed languages in the world, vowels and consonants in French.

Калим сўзлар: ҳарф ва товуш, унли, ундош, соф ва бурун товушлар, дидактик белги, лисоний қобилият, дискриминация, фонетик транскрипция, ассимиляция, артикуляция.

Ключевые слова: буква и звук, гласный, согласный, чистые и носовые звуки, дидактический знак, языковые способности, дискриминация, фонетическая транскрипция, ассимиляция, артикуляция.

Key words: letter and sound, vowel, consonant, pure and nasal sounds, didactic sign, linguistic ability, discrimination, phonetic transcription, assimilation, articulation.

Тил энг асосий мулоқот жараён бўлганлиги сабабли, оламни билишда биз унга тўғридан-тўғри мурожаат қиламиз. Тил инсонлар учун ўта муҳим омил ҳисобланади. Инсоннинг билиш қобилияти унинг лисоний қобилияти билан ҳамоҳангдир. Тил менталитет, анъана ва одатларни ҳамда ўзига хос оламни тушуниш усулини айнан тил орқали қабул қиладиган инсонни шакллантирувчи қуролдир. Қолаверса, “Инсон тили бениҳоя мураккаб бўлиб, унинг барча жиҳатларини яхлитлигича ва бирданига тасаввур қилиш ўта мураккабдир. Шундай бўлса-да, дунё тилшунослиги тарихидаги бир неча асрлик тажрибалар турли оқим намояндалари тилни тадқиқ этиш энг мақбул йўл ҳисоблаб, бу йўлда ўрганиш объектини ва унинг моҳиятини аниқ кўрсатиб бериш учун бутун умрларини сарфлаганларини кўрсатади”.¹

Маълумки, дунё халклари турли тилларда сўзлашишади, тиллар эса бир жойда тўхтамайди, чунки инсон онгининг тобора ривожланиб борар экан, унинг дунёқараши, фикри, нуктаи назари, тафаккур доираси ҳам такомиллашиб боравериши баробарида, тил жуда тез ривожланади.

Дунёда жами беш мингдан ортиқ тил ва шева мавжуд бўлса, ҳозирга қадар шундан беш юзга яқин тил ўрганилган бўлиб, ҳар уч тилдан биттасининг ёзуви мавжуд эмас, фақат оғзаки нутқ шаклига эга, холос.

Француз тили дунёда энг ривожланган тиллардан бири ҳисобланади. Дунёнинг энг романтик тили деб ҳисобланган француз тили Франциянинг давлат ва миллий тили, шунингдек, француз тили фламанд тили билан биргаликда, Бельгиянинг ва италян ҳамда немис тиллари қатори Швейцариянинг ҳам давлат тили саналади. Бундан ташқари, ушбу тилда Канаданинг бир қисми, Африканинг Жазоир, Мавритания, Марокко, Гвинея, Судан, Ливия каби бир неча мамлакатларида тарқалган. Демак, француз тили роман тиллари гуруҳига кириб, Франциядан ташқари, Белгия, Канада, Руанда, Камерун, Конго, Кот-д’Ивуар, Мадагаскар ва Гаити каби мамлакатларда асосий тил сифатида ишлатилиши билан биргаликда, дунёнинг бошқа бир қанча давлатида кенг микёсда фойдаланилади.

Маданиятлараро алоқалар дискурсида дунё тиллари қаторида лингва франка мақомини эгаллаган француз тилининг мамлакатимизда ҳам ўрганишга бўлган қизиқиш тобора ортмоқда. Хорижий давлатлар билан турли соҳалардаги алоқаларни ривожланиши, давлатимизнинг миллий тараққиёт босқичида дунё ҳамжамиятига интеграллашуви, табиийки, тараққий этган давлатлар тилини ўқиб ўрганиш давр тақозосидир.

Юқорида эътироф этган дунёдаги энг нафис, чиройли ва романтик тил ҳисобланган француз тили ҳақида, француз тили фонетикасининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида сўз юритар экан-

¹Жўраева М.М. Француз ва ўзбек тилларида модаллик категориясининг лингвокогнитив, миллий-маданий хусусиятлари. Дисс.филол. фанлари док., Т., 2017, 233-бет.

миз, мазкур роман тиллари гуруҳига кирган ва бу гуруҳга испан, итальян, португал, румин ва молдован тиллари бўлган, хорижий тил саналган француз тилини ўрганиш лозим, қолаверса, француз тили ўзининг морфологик, синтактик, шу маънода лексик-фонетик, лексик-грамматик, лексик-семантик, лексик-фразеологик, структур-семантик, лексик-дериватив, прагматингвистик, когнитив-дискурсив, коммуникатив-когнитив, универсал ва дифференциал тамойиллари, тавсифий-таснифий белгилари, полисемия, омонимия, вариативлик конуниятлари гендер, этнопсихологик, социоллингвистик, этномаданий хусусиятлари, лингвотамаданий терминосфераси, мантикий-концептуал қиймати билан тилшуносликнинг инновацион тараққиёт истикболларини белгилаш учун муайян даражада хизмат қилади.

Тилшуносликнинг бўлими фонетика ҳақида фикр юритар эканмиз, фонетика мазмун билан эмас, балки товушли лингвистик ифодага боғлиқ, шунинг учун таҳлил грамматика ва луғатдан келиб чиқади. Тилнинг барча товуш элементлари – тил товушларини, уларнинг бирикмалари ва модификацияларини ўрганадиган фан саналади. Шунинг учун у баъзан мулоқот қилиш учун ишлатилса ҳам, одамлар томонидан ишлаб чиқарилган бошқа товушларни истисно қилади. Барча грамматик тилшунос олимлар ҳам, аввало, тилнинг фонетик жихатини ўрганган, тилнинг барча товушлар, уларнинг бирикмалари ва модификациялари, шунингдек, нутнинг шаклланишига ёрдам берадиган турли омиллар каби товуш элементларини ўрганиш муҳимлигини айтади.

Маълумки, фонетика жуда қадимий фан ҳисобланади, унинг фан сифатида вужудга келиши илмий, тарихий ва қиёсий тилшуносликнинг ривожланиши туфайли 19-асрнинг ярмига тўғри келади. Фонетиканинг пайдо бўлиши ҳам махсус техниканинг ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, унинг ёрдамида биринчи марта нутқ товушларини илмий ўрганиш мумкин бўлган.

Жан Пьер Руссолот – француз фонетик олими, Société des Parles de France асосчиси, у экспериментал илмий фонетиканинг етакчиси, у ёзиб олиш асбобларини ишлаб чиқади ва нутқнинг фонетик ўзгаришларини экспериментал усулда ўрганишни ҳам таклиф қилади.

А.Мартинетнинг фикрича, тил икки хил даражада намоён бўладиган қўш артикуляция билан тавсифланади: “Фонетика – бу, биринчи навбатда, ифода мазмунини ўрганадиган фан. У нутнинг турли элементларининг акустик таркиби ва физиологик келиб чиқишини кўрсатади”.¹

17-асрдан 19-асргача француз тилини ўргатишда грамматика ва таржимага аҳамият берилган бўлса, бу даврда фонетика ўқитувчилар фикридан четда олган. “Халаро фонетик алифбонинг ривожланиши ва унинг 1880–1890 йиллардаги баҳс-мунозаралари туфайли фонетика ҳақиқатан ҳам таълимга кириб келди ва шу вақтдан бери у ёки бу ўринни эгаллади”.²

Фонетикани ўқитишга кизиқиш ва мулоҳаза, айниқса, 19-асрнинг охиридан бошлаб, француз тилини ўқитишда бевосита методология амалга оширилган пайтдан бошлаб ривожланди. Тўғридан-тўғри методология контекстида талаффузда равланлик ёзма коднинг ҳар қандай тақдироти учун зарурий шарт деб ҳисобланган. Ўқувчиларга фонетик диктант, эшитиш дискриминацияси ҳамда фонетик транскрипция каби машқлар ўргатилади. Бу методика фонетик кўникмаларни эгаллашнинг биринчи босқичи сифатида кўзда тутилган.

Француз тили ва унинг фонетикаси тўғрисида гапирадиган бўлсак, “француз тилида 26 та ҳарф бўлиб, шундан олтитаси унли ва йигирматаси ундош товушлардир. Товушлар сони ҳарфлар сонига қараганда кўпроқ, 35 тани ташкил қилади”.³ Шундай экан, мазкур тилда ҳарф билан товушнинг аниқ фарқини англаш, билиш ва тўғри тасаввур қилиш лозим бўлади. Чунки, биламизки, бир ҳарф турли товушни ифода этиши, бир товуш эса ёзувда турли ҳарфлар билан ифодаланиши мумкин. Бу эса, албатта, ҳарфларнинг бошқа ҳарфлар олдида қандай келишига ва қандай белгилар билан ифодаланишига боғлиқ бўлади. Қуйида сиз француз тилидаги унли ва ундош ҳарфлар, ҳарф бирикмалари, унли ва ундош товушларни ҳамда уларга доир мисолларни кўришингиз мумкин:

Француз тилидаги унли ҳарфлар қуйидагилар: *a, e, i, o, u, y*.

Француз тилидаги ундош ҳарфлар қуйидагилар: *b, c, d, f, g, h, j, k, l, m, n, p, q, r, s, t, v, x, z, w*.

Соф унли товушлар: *i, e, ε, a, o, n, y, ø, ə, oe, ə*.

¹ P.Leon. (1992). Phonétisme et prononciations du français, Nathan, Coll.

² Elisabeth GUIMBRETIERE (1994). Phonétique et enseignement de l’oral. Didier/HATIER.

³ Аликулова Д.А., Жўрабоева Д.А. Француз тили дарслиги. Тошкент, 2003.

(унли товушлар – оғиз ва оғиз бўшлиғида ҳеч қандай тўсикқа учрамай ҳосил бўладиган, таркиби овоздан иборат (шовқин деярли иштирок этмайдиган) товушлар. Ҳар бир тил ўзига хос унлилар тизимига эга. Унли товушлар сони турли тилларда турличадир.

Товушлардан 16 таси унли товушлар, улардан 4 таси бурун товушлар бўлиб, уларнинг тўғри талаффуз этилиши учун махсус фонетик белги-транскрипция билан ифодаланиб, қавс ичида берилади. Бурун орқали талаффуз қилинишини инобатга олиб, улар бурун товушлари дейилади: [ā], [æ], [Ō], [Ė].

Француз тили унли товушлари доим аниқ ва равон талаффуз қилинади. Фақат, [ə] caduc – кучсиз ўқиладиган “е” ҳарфи бундан мустасно.

Унлилардаги чўзиқлик белгиси транскрипцияда [:] белги билан ифодаланади.

Товуш пайчаларининг иштирокига кўра, ундошлар уч хил бўлади: жарангли, жарангсиз ва сонор ундошлар.

Жарангли: [b, d, g, v, z, ʒ].

Жарангсиз: [p, t, k, s, f, ʃ].

Сонор: [m, n, l, r, j, w, ŋ, ɥ].

Француз ундош товушлари аниқ, талаффуз қилиниб, сўз охиридаги жарангли ундошлар ўзбек тилидан фарқли ўлароқ, жарангсизланмайди.

Француз тилида бир ва бир нечта ҳарфлар бирикиб, бир товушни беради, турли вазиятларда келишига қараб ўзгаради. Аксинча, сўздаги биргина ҳарф бир неча хил товушни бериши мумкин. Қуйида француз тилидаги ҳарф бирикмаларини кузатишингиз мумкин. Масалан,

e, es (бир бўғинли сўзларда) ei, ai – “e” – *la neige, beige, claire, le mai, le français, la monnaie, er, ez* (сўз охирида) – “e” – *parler, commencez, aimer;*

ch – “ʃ” – *la chaise, chercher, cacher, chemise, le chat, le chocolat;*

ou – “u” – *bonjour, la cour, la journée, l’amour, autour, louer;*

o, au, eau – “o” – *une auto, beau, chaud, le chapeau, le drapeau, le mot;*

e (очиқ урғусиз бўғинда), *eu, oeu* – “ø” – *de, le coeur, la soeur, deux, que, l’acteur, le lecteur;*

f, ph – “f” – *la photo, la phrase, le téléphone, fidèle, la biographie;*

i+ унли, il, ail, ill – “y” – *la fille, la famille, le soleil, le travail, le chien;*

қоидадан истисно – **mille, ville, tranquille** + мазкур сўзларнинг оиладош сўзлари;

gn – “ŋ” – *la montagne, la campagne, peigner, signe;*

oi – “wa” – *voir, le miroir, trois;*

i, y, î – “i” – *type, ici, midi;*

h – ёзувда бор, талаффузда йўқ, h ҳарфи талаффуз қилинмайди: *l’habit, habiter, l’ectare, les habitants, Victor Hugo, l’hymne, l’hotel, haut, héros!*

Бурун товушларни талаффуз қилиш учун нутқ, органлари [ā] товуш талаффузига мослаштирилади. Сўнгра танглай пардаси туширилади ва ҳавонинг бир қисми бурун бўшлиғи орқали ўтиб, ҳосил бўлаётган товушга бурун оҳангини беради, бир қисми эса оғиз бўшлиғидан чиқади.

en, em, an, am – [ā] *dans, danser, la chambre, ensemble, emporte, prendre;*

on, om [Ō] – *bon, le bonbon, le concombre, le charbon, sombre, prononcer.*

Бу бурун товушни талаффуз қилишда, тил учи орқага тортилади, лаблар доира шаклига келтирилиб, куч билан олдинга чўзилади. Танглай пардаси туширилиб, нафас чиқарилганда, ҳавонинг бир қисми бурун ва бир қисми оғиз бўшлиғидан чиқади.

un, um [æ] – *brun, Lebrun, le parfum, lundi, chacun, un.*

Бу товушни талаффуз қилиш учун тил учи пастки тиш милкларига тиралади, ўрта қисми эса қаттиқ, танглай томон кўтарилади. Лаблар биров олдинга чўзилиб, доира шаклига келтирилади ва танглай пардаси туширилади. Ҳаво оқими бир пайтда ҳам оғиз, ҳам бурун бўшлиғидан ўтади, натижада унли бурун товуши ҳосил бўлади.

in, im, ein, ain, yn, ym [Ė] – *un sapin, le matin, simple, le pain, la main, le train, le peintre, le magasin, le syndicat, le symbole, le grain, le cousin, impossible.*

Бу бурун товушни талаффуз қилиш учун нутқ, органлари талаффузига мослаштирилади, танглай пардаси туширилади ва нафас бир меъёрда бурун ва оғиз орқали чиқарилади.

Эслатма, агар ундош иккиланса, сўз женский родда бўлса, бурун товуш йўқолади: *monotone, Sorbonne, bonne, colonne, astronome, diplôme, caravane, pleine, cousine, graine, magazine, jaune, l’usine, brune, la plume, Suzanne.*

Француз тилида кўп ҳарф, ҳарф бирикмалар сўз охирида талаффуз қилинмайди (бошқа тилдан кириб келган сўзлардан ташқари): *d, t, s, b, p, x, g, z, e, es, ds, ps, gt, ts ...*

un renard, des enfants, les fleurs, vingt, les champs, le temps, beaucoup, deux, des salles, les bananes, des animaux, belle, les amis, vous, vers, le chat, les chansons, les étudiants, des canards, doux, la rue, musique, des tableaux, il court.

- *r, l, f, c* ҳарфлари сўз охирида талаффуз қилинади: *tour, jour, cerf, bref, quel, bol, avec, Luc, journal, manuel, neuf, mineur, toujours.*

Француз тилида *орфографик белгилар*, яъни *дидактик белгилар* мавжудки, улар товушларни кўрсатадиган бошқа белгиларнинг маъносини ўзгартириш ёки аниқлаштириш учун ишлатиладиган белгилар ҳисобланади:

“ ‘ ” *accent aigu* (ёнуқ) – *préparer, étudiant, répéter, réciter, été, célébré, fêté;*

“ ` ” *accent grave* (очуқ) – *fidèle, chère, mère, père, à, dès, déjà, élève, après;*

“ ^ ” *accent circonflexe* (ярим очуқ ва ярим ёнуқ) – *tête, fête, prêt, tôt, grâce;*

“ .. ” *trema* (чўзуқ) – *Navoi, Zair;*

“ ’ ” *apostrophe* – *l’université, l’enfant, l’ami, l’école, qu’est ce, d’hôtel;*

“ ç ” *cédille* – *le français, la leçon, ça va.*

Юқорида таъкидлаганимиздек, француз тилида ҳарфлар ва товушлар сони ўртасидаги тафовут туфайли маълум график тамойиллари қўлланилади. Француз тилида позицион тамойил қўлланилади, яъни ҳарфнинг маъноси унинг кейинги қўшни ҳарфлар билан боғланиши билан аниқланади. Шундай қилиб, турли комбинациялардаги баъзи ҳарфлар алифбо маъносига мос келмайдиган товушларни ҳам билдириши мумкин.

Ҳарфлар комбинациясининг 3 тури мавжуд, уларнинг барчаси француз тилида ифодаланади:

–прогрессив ($x + a$): ўқиш кейинги ҳарфга боғлиқ (*c, g* ҳарфлари);

–регрессив ($a + x$): ўқишнинг аввалгисига боғлиқлиги (унли ёки ундошдан олдин келса);

–икки томонлама ($a + x + b$): иккита ундош орасида.

Француз тилида унлилар сушт ҳолатда ўз тембрини йўқотмайди. Замонавий француз тилида унлиларнинг эволюцион тенденцияларининг амалга ошишида унлилар тембри орасидаги фаркнинг сусайиши ва кўп тебранишлари бўлади. Бу чалғитувчи омиллар очик-ёпиқ товушга ҳам тааллуқли бўлади.

Ундошлар унчалик катта ўзгаришларга учрамайди, уларнинг турли позицияларда сақланиши кузатилади, ҳатто сўз охирида ҳам ёки шакланган пайтдан бошлаб ҳам тембрнинг амалга оширилиши ўз кучида қолади, сўз охирида сезиларли даражагача ўзгармаслиги мумкин. Ундошлар сўз охирида ўзининг жарангдор характери сақлаб қолади, улар унчалик ассимиляция қилинмайди. Олдинги унлилар ортидан улар ҳисобига анча талаффузи жихатидан каттиқроқ бўлиб қолади.

Хулоса қилиб айтганда, агар назарий фонетика фонетик тизимнинг муҳим хусусиятларини ўрганиш, ҳар бир шаклнинг бутун фонетик тизимдаги ўрнини кўрсатишга қаратилган, десак, тилнинг тарихи давомида фонемалар тизими ўзгаради. Айрим фонемалар йўқолади, янги фонемалар пайдо бўлади.

Тилшуносликда муҳим ўрин эгаллаган фонетика ҳақида маълумотларга, илмий-назарий қарашларга таянган ҳолда фикр айтадиган бўлсак, фонетика – товушлар ҳақидаги фан бўлиб, у тилшуносликнинг оғзаки нутқ товушларини ўрганадиган бир муҳим бўлими ҳисобланади

Инсон маънавиятининг энг буюк маҳсули ҳисобланган тил эса маълум бир фикрни ифода этувчи восита, қолаверса, тил маданият ташувчиси бўлиб, у аجدодлардан авлодларга миллий маданият хазинасини мерос қилиб қолдиради. Шундай экан, жадал ривожланиб келаётган ҳозирги замон тилшунослигида, турли тизимли тилларнинг ўзга хос қирраларини ўрганиб, очиб бериш, таҳлилга тортиш, тадқиқ этиш масаласи жуда муҳимдир. Қолаверса, “Лисон инсон мавжудлигини, унинг ижтимоий тажриба-фаолиятини таъминловчи ҳодисадир.

Демак, лисон тадқиқи билан шуғулланаётган кимса беихтиёр ўзини билиш билан машғулдир, зеро, лисоний фаолият ҳодисасининг моҳияти, унинг ижрочиси шахс ва ушбу шахснинг ижтимоий, шахслараро муносабатга киришиши билан белгиланади”.¹

¹ Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. Жиззах, «Сангзор», 2006.

“ILM SARCHASHMALARI”

Urganch davlat universitetining ilmiy-nazariy, metodik jurnali

Muharrir **Ro‘zimboy Yo‘ldoshev**
Texnik muharrir **Sherali Yo‘ldoshev**
Musahhihlar: **Тыпмова Тамара,**
Aybek Kalandarov
Ushbu songa mas’ul **Aybek Kalandarov**

Terishga berildi: 20.12.2021
Bosishga ruxsat etildi: 30.12.2021.
Ofset qog‘ozi. Qog‘oz bichimi 60x84 1/8.
Rizograf bosma usuli. Tayms garniturası.
Adadi 150. Bahosi kelishilgan narxda.
Buyurtma №. 47
Hisob-nashriyot tabag‘i 25
Shartli bosma tabag‘i 23
UrDU matbaa bo‘limida chop etildi.

UrDU matbaa bo‘limi matbaa faoliyatini boshlagani
haqida vakolatli davlat organini xabardor qilish to‘g‘risidagi
Tasdiqnoma (№3802-835f-ad22-c709-fbd1-1129-1986)
asosida faoliyat yuritadi.

Manzil: 220110. Urganch shahri, H.Olimjon ko‘chasi, 14-uy.
Telefon/faks: (0362)-224-66-01;
e-mail: ilmsarchashmalari@umail.uz
ilmsarchashmalari@mail.ru
Veb-sayt: www.ilmsarchashmalari.uz
Telegram: <https://t.me/ilmsarchashmalari>

